



# САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўп партиялик асосда, демократик тамойилларга амал қилинган ҳолда таркиб топган Олий Мажлисимиз иш бошлагани ҳам, мана, ярим йил бўлди. Ана шу вақт ичида унинг иккита сессияси ўтказилди. 23-24 февралда ва 5-6 майда ўтказилган Парламент мажлисларида 4 та Қонун ҳамда Олий Мажлисининг 75 та қарори қабул қилинди. Биринчи сессияда республика Президентини Ислоҳ Каримов «Ўзбекистоннинг сийёсий-иқтисодий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари тўғрисида» катта маъруза қилди. Бу маъруза Олий Мажлис депутатлари учунгина эмас, балки бутун республика учун ҳам яқин йилларга мўлжалланган амалий дастур бўлиб қолди. Парламентимиз ана шу маъруза юзасидан алоҳида Қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистоннинг ривожлантиришнинг тизимли йўли тўғрисида қарор қабул қилинди. Парламентимиз ана шу маъруза юзасидан алоҳида Қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистоннинг ривожлантиришнинг тизимли йўли тўғрисида қарор қабул қилинди. Парламентимиз ана шу маъруза юзасидан алоҳида Қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистоннинг ривожлантиришнинг тизимли йўли тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий ҳайъатининг раиси, академик Азизхон Қаюмов 250 кишилик депутатлар корпусининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди.

Ўтган давр мобайнида Олий Мажлис муҳим масалалардан бирини муваффақиятли ҳал этди — республика Ҳукуматининг таркибини тасдиқлади. Республика Президентининг Фармонида Мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг таркиби киритилган номзодлар бошқаруви қўйилди. Ҳар иккала ордена ташулуқли материаллар муҳокама учун матбуотда эълон қилинди.

Олий Мажлис ўтган давр мобайнида суд ҳокимиятига дахлдор масалаларга ҳам алоҳида эътибор қилди. Олий суд таркибига ўзгартиришлар киритилгани, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжатли суди сайланганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Олий Мажлисининг ўтган иккита сессияси «Ўзбекистон Республикасида депутатлар мақоми тўғрисида»ги Қонунни, Олий Мажлисининг Регламенти, Олий Мажлисининг қўмити ва комиссиялари тўғрисидаги Низомни иккита ўқийда муҳокама этиб маромига етказди ва қабул қилди.

Парламент 12 та қўмита тасвир этилган ҳақиқатга эътибор қилиш, 1993 йил 2 сентябрда «Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида» Қонун қабул қилинган эди. Парламентимиз депутатлари янги ўзбек алифбосини жорий этиш катта тайёргарлик ишларини тақозо этишини, айрим масалалар юзасидан мутахассисларнинг ақли фикри зарурлигини ҳисобга олиб, ушбу Қонунга муайян ўзгартиришлар киритилди.

Ўз фуқароларини оқсоғи ташулуқ қилиш имконияти билан таъминлаш ҳар бир давлатнинг муқаддас бурчидир. Бизнинг демократик Ўзбекистонимизнинг сийёсати негизига ҳудди шу қойла асос

қилиб олинган. Олий Мажлис депутатлари ана шундан келиб чиқиб, Ҳарбий доктрина лойиҳасини кўриб чиқдилар. Бу ҳужжат мамлакатимизнинг унинг мулоффа қобилиятини мустақамлаш учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу боис доктрина биринчи ўқишда қабул қилинди. Уни матбуотда эълон қилишга, халқимиз унга тегишли баҳо берганидан кейинги навбатдаги сессия муҳокама қилишга киритишга қарор қилинди.

Ўзбекистон билан бир қатор хорижий давлатлар ўртасида тузилган шартномалар ва битимлар Олий Мажлисининг биринчи ва иккинчи сессияларида ратификация қилинди. Айни чоғда республикамизнинг бир қанча халқаро Конвенцияларга қўшилиши тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов томонидан кутылмаган, мураккаб баёнот билдирилди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Референдум орқали ўзайтирилган ваколатлари мuddати унинг давлат бошлиғи лавозимда бўлишининг иккинчи мuddати деб ҳисобланиши тақлиф этилди.

Ҳолбуки, Референдумдан қўзланган мақсад мулғола бошқа эди. Тақлиф эса бутунлай бошқа бўлди. Ана шу мураккаб вазифани ҳал этиш, ҳал этилганда ҳам адолатли, Конституцияга ва қонунларимизга мос ҳолда ҳал этиш Парламентимиз чекига тушди.

Ўзбекистоннинг янги Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан шундай бўлиб қолган эдики, Ҳукумат беш йил давомида икки марта тайинланиши керак. Биринчиси — Президент сайловидан кейин. Иккинчи маротаба эса Олий Мажлис сайланганидан сўнг. Ана шу номуносивибкини бар-тарafd этиш учун Президент ваколати мuddатларини ўзайтириш зарур эмас, балки парламент ва Президент сайловлари мuddатини яқинлаштириш ўринли эди. Референдумни ўтказишдан қўзланган мақсад ҳам аслида шу.

Президентимиз ваколат мuddатлари тугашига яна ик-

ки йил борлигига қарамай (Ислоҳ Абдуғаниевич 1991 йил декабрда Президент этиб сайланганлар), масаланинг ўта муҳимлигини ҳисобга олиб, 1995 йилги Референдум ўтказилишига розилик берилди. Бу Референдумни юртбошимизнинг ваколатлари мuddатидан илгари тугатган деб, янги Президентлик сайловига розилик бериш деб баҳолаш ҳам мумкин эди. Негаки, Президент сайлови бизда энди 1997 йилда ўтказилиши керак эди. Шунга қарамай, масала жуда жиддий эканлигини ҳамда даврнинг ўзи шунга тақозо этаётганлигини эътиборга олиб, Президентимиз Референдум ўтказилишига рози бўлдилар.

Референдум ақунлари Ўзбекистон халқининг ўз Президентига бўлган юксак ишончини яна бир қарра намойиш этди ҳамда у кишининг бошчилигида амалга ошириладиган ишлар ва ташқи сийёсатни халқимиз қўллаб-қувватлаётганлигининг ёрқин ифодаси бўлиб қолди.

Олий Мажлис сессиясида Президентининг баёноти юзасидан кенг қўламда фикрлашув бўлди. Бу масала Парламент мажлислари оралигида шойишлик равишда чақирилган Олий Мажлис Кенгашида ҳам муҳокама қилинди. Бироқ унда ҳам узил-кесил бир қарорга келинмади.

Парламент маҳсус қарор қабул қилиб, Олий Мажлисининг Раиси бошчилигида нуфузли комиссия тузди. Комиссияга ушбу масалани ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқиш, халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олиб, Конституцияга ва амалдаги қонун ҳужжатларимизга мувофиқ бир тўхтамга келиш ҳамда кейинги сессияда Олий Мажлисга маълумот бериш топширилди.

Шу кунларда барча сайлов округларида Олий Мажлис депутатлари ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиб, халқимизнинг бу масалага муносабатини ўрганмоқдалар. Улар билан маслаҳатлашмоқдалар. Комиссия номига ҳам тақлифлар, фикр-мулоҳазалар тинмай келиб турибди. Бинобарин, бу масалага ўз муносабатини билдириш Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг Конституцияда битил-

ган ҳуқуқларидан биридир. Комиссия биронта ҳам тақлифни ўз эътиборидан четда қолдирмайди. Ҳар бир тақлиф ўрганиб чиқилади, инобатга олинади ва комиссиянинг кейинги сессияда баён этиладиган ҳулосасида ўз аксини топади.

Сайловчилар билан бўлган дилкаш мулоқот давлатимиз раҳбари томонидан олиб бориладиган ички ва ташқи сийёсатни халқимиз ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаётганлигини, эртанги кунга қатъий ишонч руҳи қарор топганлигини яна бир қарра намойиш этди. Учрашувларда Олий Мажлис Мандат комиссиясининг Раиси, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Ш. Мирзиёев иштирок этди.

Учрашув сўнггида округ сайловчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Олий Мажлис иккинчи сессиясида баёноти юзасидан Олий Мажлис Кенгаши номига муносабатнома қабул қилдилар.

Наманган вилоятининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлар билан учрашувлар қизгин давом этмоқда. Вилоятдаги барча шаҳар, туман ва маҳаллаларда ҳар кунги ўйлаб ана шундай учрашувлар ўтказилапти. Жумладан, Чуст туманидаги «100—Қамарсада» сайлов округидан Олий Мажлисга сайланган депутат, вилоят ҳокими Бургулал Раппагалиев билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унинг депутатлик фаолияти ҳақида, Олий Мажлисининг I ва II сессиялари қарорлари ҳаёта таъбиқ этиш борасида вилоятда амалга ошириладиган ишлар ва қўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида гапирди.

Шунингдек, Тўрақўрғон туманидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари И. Юсуповнинг ҳам сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.



Жуда қадим замонлардан бери халқларимиз яшаб келадиган Марказий Осиё йирик табиий-иқтисодий ҳудуд ҳисобланади. Собиқ Иттифоқ республикалари бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон мустақил давлатлар бўлишди. Мамлакатларимиз ўттиш даврининг қийин муаммоларига дуч келмоқдалар. Шу боис барча интеллектуал кучларимиздан кенг фойдаланиш давр тақозосига айланмоқда. Шу нуқтага назардан ижодий ва интеллектуал кучларнинг янгича интеграциясини ташкил қилиш жуда муҳим стратегик аҳамиятга эгадир.

Шу боис Сизларнинг «Тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик» широри остида «Туркистон — умумий уйимиз» асосиясини тузиш гоиларингизни самимий қўллаб-қувватлайман. Ушбу гоилни рўйбга чиқаришда фаол иштирок этаман, деб сизларни ишонтираман.

Чуқур ҳурмат билан

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ — УМУМИЙ УЙИМИЗ**

Марказий Осиё халқларининг дўстлиги ва қардошлигини ҳар томонлама мустақамлашга қаратилган олимлар ва маданият арбобларининг ҳамкорлиги ва ҳаракатини бутун қалбим билан қўллаб-қувватлайман. Мен бу ҳаракатга фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Биз, эъбиларнинг катта авлоди олдидан шу ҳудудда яшаётган халқларнинг дўстлиги ва аъналарини мустақамлашдек ва уни ёш авлодга топширишдек масъулиятни вазифа турибди. Қардошлик ва бирлик ёшларимиз қалбидан етакчи гоё бўлиши лозим. Айниқса, Ўзбек ва тожик халқларининг тарихан қардошлиги ва дўстлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ушбу дўстликни кўз қорачигидек асраш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Халқимиз ҳаётининг фаровонлиги ва мамлакатларимизнинг тараққиёти ана шу дўстликка боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қардош Ўзбек халқининг Президент Ислоҳ Каримов раҳбарлигида эришадиган иқтисодий ва илмий-техника соҳасидаги муваффақиятлари мени қувонтиради.

Қардош Ўзбек халқига ва кўп миллатли Ўзбекистон халқларига тараққиёт ва гуллаб-яшнашни чин кўнгилдан тилаб қоламан.

Муҳамел АСИМОВ,  
Тожикистон Фанлар академияси академиги, Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси, Марказий Осиё Фанлар академияси академиги, ЮНЕСКО қошдаги Марказий Осиё маданиятини ўрганиш бўйича Халқаро ассоциация Президентини, Жаҳоҳарлаъ Неру номидаги халқаро муқофот совридорини.



Сарбар ая Мадрахимовани Янгикўрғон туманида танимайдисанлар кам бўлса керак. Чунки аянчи пиллачилликдаги тажрибаси тумандагина эмас, вилоятда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Айни кунда Сарбар ая 80 ёшда. Шунга қарамай, сувоқли иши — пиллакорликни тарк этгани йўқ. Чунончи, бу йил шогирди Улуғжон Исмаилова билан биргаликда 75 кўни уруғчи инкубаторда жонланттириб, пиллакорларга тарқатди.

Чет элларда, хусусан, Бразилияда энг ақлли болалар футболчи бўлишди. Уларнинг оёғи ҳам ақлидек тез ва бенуқсон ишлайди. Мен истардимки, бизда энг ақлли болалар шифокор бўлишса, дейди ЎзФА Радиология ва онкология илмий-текшириш институтининг бош директори Наримон МУРОДХУЖАЕВ.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош онкологий Наримон ака Тошкент тиббиёт институтини ва Ленинград (ҳозирда Санкт-Петербург) Ҳарбий академиясини тугатган. Кейинчалик мазкур олий ўқув юрғларида доцент, кафедра мудири, декан лавозимларида ишлаган. Ҳарбий шифокор бўлган. Россияда 18 йилдан буюн онкология ва радиология илмий-текшириш институтига раҳбарлик қилиб, катта жамоани бошқариб, эл-юрт саломатлигини сақлаш ва тиклашда ҳормай-толмай меҳнат қилиб келадиган. Қуни кеча у ЎзФА мухбир-аъзолигига сайланди.

— Наримон Қодирович, кўпчи рақ деганда каттиқ иши ва без, усимта тушуналади. Бу касалликнинг келиб чиқиш сабабларини қисқача изоҳлаб берсангиз.

— Бу касаллик иши, без, усимта шаклида бўлади. Фақатгина қон рақи бундан мустасно. Касалликни келтириб чиқарувчи учта омил бор. Биринчиси — завод ва фабрикалардан, автомобиллардан чиқадиган тўтун таркибидан безнирре моддасидир. Иккинчи омил минерал ва кимёвий ўғитларни агротехник нормалдан ортиқ даражада ишлатиш ҳисобланади. Масалан, қовун ёки тарвуз орқали организмга кирган селитра олдиннинг катта ичагида доимий яшайдиган микробларни рақ келтириб чиқарадиган моддага айлантди. Ана шу модда айланганда кўп йилгача, уша ерда рақ бошланаверади. Шунингдек, иончилик нурлари, янги ренгтен ва гамма нурлари, қуёшнинг ультратрафиш нурлари ҳам рақни вужудга

институтини журналини, Италиядан «Экспериментал ва клиник онкология» деб номланган журнални бепул оламман. Ундаги зарур мақолалар ва илмий ахборотлар таржима қилиниб, ходимларга етказилади. Ойда бир марта илмий ахборот конференцияси ўтказилади. Халқаро анжуманда қатнашган шифокорларимиз қайтиб келгандан сўнг илмий кенгашда маъруза қилиб, қолганларни ҳам анжуман иши билан таништиради. Мана шу-

Рак ҳужайралари эса абадий яшайди ва хоҳлаганча бўлиनावеради. Шунинг учун ҳам уни давлати, қарши курашиш қийин кечали.

— Табибларга, экстрасенеларга муносабатингиз?

— Табибларни, тўғриси, анча ҳурмат қиламан. Уларнинг кўпи ҳамини қашпайтириш эмас, инсон соғлиғи ҳақида ўйлашади. Наманганлик ўқитувчи Табибга, номи ёдимда йўқ, бизга келинг, бирга ишлайлик, десам, Тошкент узоқ-

— Тиббиётда пуллиқ хизмат кўрсатишга ўттиш, Сизнингча, аҳшимий эмас?

— Пуллиқ хизмат кўрсатиш, кўплар нотўғри тушунаганидек, чўнтақдан пуллиқ олиб қўйиш эмас, аксинча, беморларга ҳам, касалхоналарга ҳам қони фойда. Аввало, суғурта компаниялари ишини аҳши йўлга қўйиш керак. Меҳнатта лабэатли ҳар бир шахсга мазкур компания орқали омонат дафтрасини очилиб, ҳар ойда ойланининг бир қисми ўтказилаверади. Чет элликлар касал бўлсам, катта маблағ йўқотаман, деб, доим ўзини ўзи муҳофаза қилиб юради. Физкультура ва спорт билан шуғулланади, спиртлиқ ичимликларни этиб олиб ичмайди, папирос чекмайди. Қарасизки, соғлиғи ҳам, маблағи ҳам жойида, яъни икки қарра бойийди. Демокриманки, соғлиқни сақлашга онгли равишда ёндашиш керак. Барибир рақ ва сил касалликларини билан оргитан беморларни бепул даволаш зарур. Чунки улар тевакар-атроф ва экологик муҳитнинг носозлигидан шу касалликка учраганлар.

Бемор қариялар ва пенсиянерларни эса пенсия жамғармаси ҳисобидан даволатиш мақсадга мувофиқдир.

— Шифокор сифатида одамларга қандай тилақлар билдирисангиз?

— Улар биринчи навбатда соғлиқларига эътибор беришини, қадрига етишини. Чунки чекувчиларнинг 90 фоизи рақ касаллигига мубалола бўлади. Олимларнинг аниқлашича, агар ҳамма одамлар бирдани та чекшини ташласа, рақ касаллиги бир йилда 40 фоизга камайаркан.

Ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар ҳар 45 минутда 5 минут бўлса-да дам олишлари, овқатланиш ва ухлаш режимида қатлий рию қилишлари керак. Ионларнинг ҳаминша соғлом ва қуркам бўлишлари тарафдориман.

«Халқ сўзи» мухбири Гўлчехра ЙўЛДОШЕВА сузбаглади.

## СОҒЛИҒИНИ АСРАГАНЛАР ИККИ ҚАРРА БОЙИЙДИ



лик вируслардан бошланади. Тўғри, эпителий тўқималар инсон организмни доимо ташқи таъсирдан ҳимоялаб туради. Организм тузилгандан то ўлғунча ҳаракат қилади, яшаш учун курашади. Унинг қаршичилиги кучсизланиши билан касаллик бошланади.

— Рақ билан оргитан беморлар қўнаймоқдани ёки аксинчиси?

— Дунёда бир йилда рақ касалидан 5 миллион бемор нобуд бўлади. Институтимизда эса йил давомида ўрта ҳисобда 5,5 — 6 минг бемор даволяниб кетади. Полкиликкамизда 55 минг бемор қатнаб даволянади ва масалада олади. Кейинги икки йилда беморлар кескин камайди. Сабаби — беморларга юқори сифатли тиббий муолажа қилинапти, ёрдам қўрсатиляпти. Касалликнинг олдини олувчи, камайирувчи турли талбирлар қўлланиляпти. Мен ўзим 1978 йилдан буюн Американдан миллий онкология

литини баҳона қилди.

Андиджон вилоят онкология диспансерида 15 бемор учун ўрин ажратиб, яна тақлиф элдим. Ўзи келмасдан, Андиджон давлат тиббиёт институтинида ўқийдиган ўғлидан, ярим қоп доривор гиеўлар бериб юборилди. Яна бир табиб — Фуат Насибулдин мўмиё билан рақни даволяман деб қолдуви, беморлар ва палата беришга рози бўлдим. Тажрибадан маълум бўлдики, мўмиё рақни йўқ қилолмас экан. Хуллас, табиблар рақ билан оргитанларни даволай олса, ишта олиб, маош тўлашга ҳам розиман. Экстрасенеларга келсак, улар билан ҳам «Даволяшнинг ноанганьяни усуллари» лабораториясида бирга тажрибавар ўтказдик. Аввало, улар беморга таъхис қўйди, сўнг биз уни замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида текширдик. Бирортаси ҳам тўғри чиқмади. Эҳтимол, асаб касалликларини учун уларнинг фойдаси бордир, онкологияда эса нафи теғмайди.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ургачида Хоразм вилоят фаолларининг семинар-кеңашини бўлиди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни ақиялаштиришнинг жадаллаштириш ва қимматли қозғолар бозорини таркимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалага оид қарорини келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Семинар-кеңашини вилоят ҳокими М. Жуманиев бошқарди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, давлат мулкни бошқариш ва ҳусеийлаштириш қўмитаси раиси В. Чжен семинар-кеңашда маъруза қилди.


Семинар-кеңаш қатнашчилари ҳисдорлик жамиятлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар кўргазмасини кўздан кечирди.

Фарғонада ҳам ана шу масалага бағишланган семинар-кеңаш бўлди. Унда Давлат мулкни бошқариш ва талбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Фаҳрумов ва Фарғона вилояти ҳокими М. Исмолов сўзга чиқди.

Галла мустақиллик йўлида

ОМБОРЛАР ДОНГА ТўЛАЯПТИ

ОЛТИН бошоқли далаларда буғу манзара ўзгача. Комбайнларнинг гулдўроси, турна қатор ғ машиналарнинг қатнов галлакорларнинг гайратидан дарабериш.



ЮКСАК ХИРМОННИ КўЗЛАБ

Синдоробдликлар бу йил жами 830 гектар майдонда галла етиштиришди. Шундан 64 гектардаги арпа ҳосил саралашмади.



ИЖАРА УСУЛИДА ГАП КўП

— дейишмоқда касбилик деҳқонлар — Бу йил пахта майдонларини қамайтириш ҳисобига галлазорларимиз минг гектарга ортиди.

Туман галлакорларининг вилоятда энг яхши натижаларга эришганига қандай омиллар сабаб бўлди? Деҳқонларимиз асосан ижара усулида иш юритишмоқда.

Комбайн янги қаторга қайрилатганда, ҳайдовчи нафас ростлаш учун пахта туши. Иш шариитинг яхши бўлса, меҳнат қилб чарчамайсан, — дейи у. — Икки сменада ишлаш учун барча куликлар яратилган.

сурилди. Қолаверса, галла қўлла ўрилса, нобудгарчилик камроқ бўлади. Уримга 415 онла бош қўши. Мавсум бошлангичи аввалда улар билан шартнома тузилди.

«Қашқадарё» жамоа-ширкат ҳужалигининг Уйғун Омонов, Комил Олимов, «Пахтакор» жамоа-ширкат ҳужалигининг Нурқул Тиловатов, «Галаба» жамоа-ширкат ҳужалигининг Этамберди Тангриев, Алишер Навоий номили жамоа-ширкат ҳужалигининг Сайдулла Маматов каби тажрибали галлакорлари етакчилик қилаётган ижарачи деҳқонлари ҳам гектаридан 45 центнердан дон йиғиштириб олишга эришдилар.

Ф. ШОДОЛНИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сирдарё тумани.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.



МУЗОКАРАПАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Грозийда Россия Федерацияси ҳукумат делегацияси билан Жоҳар Дудаев тарафдорлари ўртасидаги музокарапар давом этмоқда.

Музокарапар ўтказилаётган Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти миссиясининг биноси ёнида маҳаллий аҳоли митинг уюштирилди.

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН...

Буденновскда бўлиб ўтган воқеадан кейин Санкт-Петербургдаги Ички ишлар вазирлиги ўқув юрти тинловчилари болалар муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш учун Ленинград вилоятига жўнатилади.

СУД ҲУКМИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Туркменистон Республикаси Олий суди Туркменистон фуқароси Аймурад Мухамметқули ва Россия фуқароси Хошнели Гараев устидан чиқарилган суд ҳукмини эълон қилди.

«Туркмен исқра» газетасининг хабар беришича, улар конституциявий тузумни бузиш, ҳокимиятнинг зўрлик билан ағдариб ташлаш ва давлат раҳбарларига қарши кўпуровчилик ҳаракатларини уюштиришда айбланмоқда.

«Туркмен пресс» давлат ахборот агентлигининг хабарига кўра, суд айбдорларнинг бирини 15 йил, иккинчисини эса 12 йил озодликдан маҳрум этди.

ШАХРАНИ БОШҚАРИШ ҚИЙИНЛАШИВ КЕТГАЧ...

Абхазия радиосининг хабарига кўра, Сухуми шаҳри раҳбари Нодар Хашби ўз вазифасидан озод этилди.

Мутахассисларнинг фикрича, Н. Хашби ушбу вазифадан ўз ихтиёри билан кетган. Чунки, жиноятчиликнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани ва иқтисодий аҳолининг мураккаблиги натижасида шаҳарни бошқариш жуда қийинлашиб кетган.

САБАБ — ҲАВОНИНГ УТА ҚИЗИВ КЕТГАНЛИГИДА

Белгород вилоятининг Казакчи аҳоли туманларида ҳам қирғинга воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Қишлоқда сон-сановчи бақалар пайдо бўлди.

Улар барча экин майдонларини ва очик ерларни эгаллаб олди. Одамларнинг айтишича, бақалар шарқдан фарба қараб қаратилмоқда.

«Ф-16»ЛАР СОНИ ҚИСҚАРТИРИЛДИ

АҚШ Япония ҳудудига жойлашган ҳарбий ҳаво кучлари базасидаги «Ф-16» ҳарбий самолётларининг сонини қисқартришга қарор қилди.

Мазкур самолётлар уруш хавфи тутилганида Россиянинг Узоқ Шарқига зарба бериш мақсадида жойлаштирилган эди. Энди эса «совуқ уруш» даври ўтди. Россия Итуруп оролидан ўз ҳарбий самолётларини олиб кетди.

Ташкилот Пекин фабрикасида ишлаб чиқарилган қаттиқ ва сифатли бугдой навидан тайёрланган тезпишар, зираворланган мол гўшти қийма (лапша) сотади.

Advertisement for 'Ташкилот Пекин фабрикасида' (Tashkilot Pekin fabrikasida) featuring 'қаттиқ ва сифатли бугдой навидан тайёрланган тезпишар, зираворланган мол гўшти қийма (лапша) сотади' and contact information: 'Маълумот учун тел.: (3712) 51-91-52.'

ЯНГИ ЖАМГАРМА

Самарқанд вилояти ҳокими буюқ ҳадишуннос олим, мутафаккир алома Исмоил ал-Бухорий жамгармасини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

ҚОЗОҚ МУТАФАККИРИГА БАҒИШЛАНДИ

Қозоқ халқининг улуг мутафаккири, шоир Абай Қўнонбой ўғли таваллудининг 150 йиллиги республикамиз жамоатчилиги томонидан ҳам кенг нишонланмоқда.

Advertisement for 'ПРОСТОЙ ВЕКсель' (Simple Exchange) from 'САВДОГАРБАНК' (Savdogarbank) in Tashkent, offering services for exchange and interest.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 2 июндаги «Ўзбекистон халқ ҳужалигида икселларни қўллаш тўғрисида»ги 204-сонли Қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида савдо ва тижратга кўмаклашувчи очик турдаги «Ўзсавдогар» ҳиссадорлик тижорат банки 90 ва 180 кунлик мддадаги исқотли (скидка) оддий векселларини муомалага чиқарганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

«Ўзсавдогар» республика Маказий банкидан 1994 йил 12 майда 42-сон билан рўйхатдан ўтган. Сўм ва рқин муомаладаги валютада операциялар ўтказишга бош рухсатнома эгасидир.

УСТАВ ФОНДИ — 75.000.000 СЎМ.

Векселлар — 0 минг, 100 минг ва 500 минг сўмлик қилиб чиқарилганлиги нафақат йирик корхона ва ташкилотлар, шўбилн бирга кичик фирмалар ва тадбиркорлар учун ҳам қўлайдир.

«ЎЗСАВДОГАРБАНК» ВЕКСЕЛЛАРИ:

- харидорнинг айлолма маблағларига сермахсул улуш қўшади;
• қўлай тўлов востасидир;
• ҳар қандай юнтргент билан бир зумда ҳисоб-китоб қилиш имкониятига эгалик қилиш демақдир.

«ЎЗСАВДОГАРБАНК» ВЕКСЕЛЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯСИДАН ТАШҚАРИ:

- векселларни инкессация қилади;
• векселларни домицияция қилади (вексель тўловини амалга оширади);
• векселлар гровицосида кредит бериш каби операцияларни ҳам амалга оширади.

«ЎЗСАВДОГАРБАНК» ВЕКСЕЛЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИНГ!

Барча қизиқтрган масалалар бўйича Сизларни куйидаги манзилларга: Тошкент ш. К.Цеткин, 76 ва вилоятлардаги «Ўзсавдогарбанк» бўлинмаларида ҳамда 54-19-38, 54-18-85 телефонлар бўйича шурожаат қилишингизни сўраймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҲУДУДИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ТИЖОРАТ ФИРМАЛАРИ ВА БОШҚА ҲУҚУҚИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Advertisement for 'ЎЗСАВДОГАРБАНК' (UzSavdogarbank) listing various branches and services across different regions of Uzbekistan, including Tashkent, Samarkand, and others.

Advertisement for 'Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарлиги ва шаҳсий таркиби вазирлик Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, милиция полковниги РИМ НУРИЕВИЧ' (Uzbekistan Republic Internal Affairs Ministry leadership and personal composition of the Ministry Expert-Criminalistics Department head, militia colonel RIM NURIEVICH) listing various services and contact information.

• Санъат

МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ҲАҚИДА УЙЛАР

XX аср ўрталарига келиб ўзбек миллий санъат маданиятига янги бир жанр — эстрада санъати кириб келди. У бугунга қадар ўз услуби, ўз ўлининг жозибалиги билан машҳур.

Миллий эстрада ҳақида сўз борар экан, энг аввало, бу жанрнинг асосчиси бўлмиш марҳум Ботир ака Зокировни кўз ўнгимизга келтирмасдан иложимиз йўқ.

Мен кексалардан ажойиб бир ривоят эшитганман. Эмишчи, бир гўдак ҳали дунёга келмасдан аввалроқ яратувчининг ҳузурига борган. Яратувчи ундан «Сен ер юзига, инсонлар орасига борганингда уларга нима нафингу нима зараринг тегади» деганида, у ҳеч бир иккиланмасдан ўзининг орзу-истакларини баён қилади. Шунда яратувчи унга: «Эй гўдак, сен ўзингга берилган умринг қанчалигини билсанми? Тақдирингда нелар битилганидан хабардормисан?» — деб сўрайди.

Назаримда, ўша ривоятдаги гўдак Ботир Зокировга ўхшайди. У ўзига берилган қисқа умрни ҳам санъатнинг эзгу йўлида хизмат қилишга бахшида элди. Энг асосийси, миллий эстрада санъати жанрини тиклади ва янгидан яратди.

Хўш, бизда миллий эстрада анъанаси қай даражада давом этмоқда? Давом этишга-ку давом этмоқда. Аммо ҳамма эстрада хонандалари ҳам эстрадаларнинг миллийлик қоида-қоидаларига амал қиляпти, деб бўлмайди. Уларнинг айримлари чет эл эстрадаларидан айнан нусха кўчириб олишяпти. Бундан

фақат «Ялла» истиснодир. Бу ансамблининг ҳар бир қишини катта-ю кичик эўр қувонч билан кўтиб олади. Сабаби томошабинни доим ўзига жалб қиладиган миллий сир мавжудлигидир.

Ҳозирги кунда эстрада санъати янги-янги ансамбллари ижрочилар билан бойиб бормоқда. Лекин улар йиллар, ҳатто ойлар ўтиши билан тингловчилар назаридан тушиб қолмоқдалар. Уларда ҳам туғма қобилият, санъаткор бўлиш истаги йўқ эмас, албатта. Гап шундаки, улар ўз концерт дастурларини фақат бир гуруҳни, яъни ёшларни назарга олган ҳолда тайёрлайдилар. Ёшлик абадий берилмаганидек, ёш ўтиши билан дид ҳам ўзгаради. Инсон қандай мусиқани, яратилган куй ва кўшиқларни эстрада хонандасидан талабга жавоб беролмайдиган бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Эстрада деганда бизнинг кўз ўнгимизга чет элларда ижро этилаётган, қуйланаётган эстрада куй ва кўшиқлари келади. Бизнинг айрим ёш эстрада хонандаларимиз ҳам худди ўшалар каби машҳур бўлишни орзу қилиб қоладилар. Уларга айнан тақлид қилувчи ва миллийликдан йироқ хонанданинг ҳам, ансамблининг ҳам ижоди қисқа ва мазмунсиз бўлади.

Тўғри, давр талаби билан ҳар бир миллиятнинг ўз эстрада санъати пайдо бўлган экан, у шу халққа, унинг

орзу-истакларига хизмат қилиши даркор. Ўзгалар мусиқасини кўчирма қилиш билан халқимизнинг дидини, миллий-маданий савиясини ўзгартира олмаслигимиз табиийдир. Мазкур санъатга ақин қунларгача оғиздагина эътибор берилган бўлса, эндиликда ёш эстрада хонандаларининг тез-тез кўрик-танловлари ўтказилиб, уларнинг мустақил ижод қилишлари учун имкониятлар яратилмоқда. Шундай танлов ғолибларидан Ш. Қиличева ва А. Муллахоновлар бугунги кунда эстрада санъати ривожига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Энг сўнгги кўрик 1992 йили ўтказилди. Бироқ кейинги йилларда иқтисодий муаммолар туфайли тўхтаб қолди, чамамда. Ваҳоланки, бу ўтказилган талбирлар эстрада санъати ҳақида, ривожда қўйилган илк қадам эди, ҳолос.

«Ялла» миллий эстрадаларнинг ўзига хос мактаби ҳисобланади. Ансамбль санъаткорлари шу жанрнинг асосчилари бўлганликлари учун ҳам, ёш жамоаларга ўзлари яратган услуб ва йўналишни ўргатмоқлари зарур. Ёш эстрада хонандалари ҳам бу мазкур мактабнинг ижрочилик тажрибасидан ўрнак олсалар, фойдалан ҳоли бўлмасди.

Эстрада жанрида фаолият кўрсатаман деб астойдил бел болаган эстрада хонандаси ёки ансамбли Б. Зокиров ижодидан ҳамда бу жанрнинг ҳақиқий давомчилари бўлмиш «Ялла»нинг ижодий фаолиятидан кўп нарсани ўрганишлари зарур. Энг асосийси эса ўзбек миллий куй ва кўшиқларига, халқ оғзаки ижодий намуналарига бўлмиш фольклор кўшиқларига мурожаат қилиб, уларни халқ дилига, қалбига мос қилиб ишласалар, эстрада санъатининг келажаги учун янада мустақам пойдевор ўрнатилган бўлар эди.

Сайёра МАҲМУДОВА, аспирант.

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

АМЕРИКА МАТОНАТЧИЛАРНИ ЧОРПАЯПТИ

Ўзбекистон миллий олимпия кўмитасида спортчиларимизни 1 шолда АҚШда бошланадиган IX Бутунжаҳон ёзи Махсус Олимпиада уйинларига кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Ногиронлар ўртасида ўтказиладиган бундай Олимпиада уйинларида юртимиз спортчилари биринчи марта қатнашадилар. Махсус Олимпиада уйинлари Коннектикут штатининг Нью-

Унда жаҳоннинг 139 мамлакатидан 6700 нафарга яқин спортчилар қатнашадилар. Бахслар спортнинг 19 тури бўйича ўтказилади. Махсус Олимпиада уйинларининг очилиш мароси-



Хейвэн шаҳрида 1 июлдан 9 июлга қадар ўтказилади. мида АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг қатнаши-

ши кутиляпти. Ушбу Олимпиадада юртимиздан 12 футболчи ва тўрт нафар енгил атлетикачи қатнашади. Олимпия кўмитасида ўтказилган кузатиш маросимида «Язекс текстиль» ўзбек-турк корпорациясининг вакили Аҳад Халил Алтан спортчиларимизга Тошкент—Москва—Нью-Йорк ва шу йўналиш бўйича самолётда орқага қайтиш чипталарини топширди. Шунингдек, спортчиларимизнинг Махсус Олимпиада уйинларида қатнашишига Халқаро Қизил Хўш жамияти ва бошқа бир қанча корхоналар ҳомийлик қиляпти.

Юртимиз спортсеварлари Тошкентнинг «Матонат» ногиронлар футбол жамоасининг бундан бир неча йил олдин айнан АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида илк бор қатнашувидеяқ муваффақият қозонганини яхши хотирлашади. Уйлаймики, олимпиячиларимизнинг ҳам Америкадаги илк қадами зафарли бўлади.

Р. ЭРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

МУСОБАҚАЛДАРДА ДУСТЛИК ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Маълумки, ўтган йили Туронзамин республикалари рабарларининг учрашувида спорт соҳида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиш тасдиқ келишиб олинган эди. Шунан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари спортчилари ўртасида бир қатор мусобақалар уюштирилди ва ҳамкорлик эндиликда ўзининг янги фасоҳатига кўтарилиб, тобора мустақамлашиб борапти.

Айниқса, юртимиз юртлиларининг Қозоғистонда ўтказилаётган халқаро ва мамлакат оқиб биринчиликларида қатнашуви ёки ақсинча, қозоқ спортчиларининг юртимиз худудидан мусобақаларда қатнашуви ўзгача анъананага айланаётган. Бу мусобақалар, биринчидан, икки мамлакат спортчилари маҳорат даражасининг янада ошишига хизмат қиладиган бўлса, иккинчи томондан, келиб чиқши бир халқларнинг янада яқинлашуви ва дўстлик ришталарининг мустақамлашувига олиб келяпти. Бундай мусобақаларга Алматиде ўтказилгангил атлетика, волейбол, байдарка бўйича бир қанча турнирлари ва юртимизда уюштирилган паурлифтинг, ларте каби кўпгина сирт турлари қаторида футбол бўйича «Тошкент-94» халқаро футбол турнирини мисол келтиришимиз мумкин. Ана шундай ўзаро ҳарорлик меваси бўлган мусобақалардан навбатлагиси яқинда Айтида қилинбозлик бўйича ўтказилди. Ҳамюртларимиз Рафкат Риев ва Светлана Филмонова Қозоғистон оқиб биринчилигининг чемпиони бўлишди. Таймураз Алимов ва Юрий Безнодрев учинчи ўринни эгаллашди.

Қадимий Бухородаги эса Туронзаминнинг греко-рим кураши бўйича барча полдларини ўзига жалб қилди. Халқ депутати Олимжон Фозиловнинг бағишланган ушбу турнир ташкилотчилари нафақатликлари, балки ўз маҳоратлари билан мухлислар меҳрини қўнган спортчиларини ҳам тақдирлади. Умуман ҳам ҳисобиде буюқлик жаҳон чемпиони Собир Қурбоннинг издошлари бирини ўринни эгаллашди. Бу галабини эндиликда Бухорода қарийб 0 нафар полвон юқори малакали 16 мурабий қўлида тарбияланганлиги билан ҳам изохлаш мумкин.

Ашбад ва Сарқанд полвонлари мусобақадан совриндор бўлиб қайтишган бўса, қозоғистонлик спортчилар ҳам мухлисларда яхши таассурот қиришди. Умуман, мусобақалар дўстлик тантана қилди ва у ғолиб қиди.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲИНДИСТОН МАДАНИЙ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Тошкентда Ҳиндистон маданий марказининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон маданият ишлари вазири Эркин Ҳайитбоев ва Ҳиндистон Вазирлар Маҳкамаси аъзоси, маданий муносабатлар кенгаши президенти жаноб Васант Сатхе маросимда икки дўст мамлакат халқларининг тарихи ва маданияти муштараклигини таъкидладилар. Маданий марказ Ўзбекистон ва Ҳиндистон алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирдилар.


Сайёра МАҲМУДОВА, аспирант.

ТАШКИЛОТ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

папка-регистрларни ва нусха олиш, ёзиш машиналарининг ҳамма турлари учун юқори сифатли қоғозни (1 вараги 80гр., пачкада 500 варақ, Сору-Paper Din A4, Германия маҳсулот).

Тўловингизни нақд пул ёки бухгалтерия орқали пул кўчириш усулида бажаришингиз мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 16а-уй, 204-хона Тел.: 39-45-57



ШИКАСТА ДИПЛАРГА МАЛҲАМ

Анджон вилоятидаги бир гуруҳ ташаббускорлар «Туғма ва норасидаликдан ногирон болаларга ёрдам» жамғармасини туздилар.

Жамғарма ўз таркибига ишбилармонлар, тиббиёт ходимлари, дилига эзгуликни сингдирган кутлуғ ниятли кишиларни бirlаштирди. Шуниси муҳимки, ташаббускорлар дастлабки кунданок хайрли ишни бошлаб юборишди. Вилоятдаги барча ногирон болаларни рўйхатга олишди. Энди ташкилот қаддини тиклаб олса, ёрдамга муҳтожларга тиббиёт ускуналари, дори-дармонлар етказиб беришади. Зарурат бўлса, хорихда даволаниб келиш учун уларни маблаб билан баҳоли қудрат таъминлайди.

Жамғарма газнани бойитиш учун кичик корхоналар куриш, тижорат ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирган. Ҳар қалай, режалар, ниятлар кўп. Энг муҳими — улар шикаста дилларга ёруғлик олиб кира олишса, юмушларини енгил қилса катта гап.

Ш. ФОЗИЛЖОН, «Халқ сўзи» мухбири.

ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАР

Қарши педагогика билим юртида «Темурий маликалар» деб номланган театрлаштирилган бадий кеча ташкил этилди. Унда Амир Темури ролини вилоят мусиқали драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Омон Беганжиев ижро элди. Амир Темури аёллари — маликалар қиёфасида эса билим юрти муаллималари чиқишди. Бадий кеча талабалар ва томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

ЎЗБЕКИСТОН - БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ "ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"

Тошкентдаги омборхонасидан МАЗ туркумидаги автомобилларини, МТЗ экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М дизель двигателларини сўмда пул ўтказиш йўли билан СОТАДИ Нархлари заводникидан арзон.

Манзил: Тошкент ш., Ш. Руставели кўчаси, 140-уй. Алоқа учун телефон: (3712) 50-06-13.

«Ўзбекмашсервис»: Тошкентдаги омборхонасидан маҳсулотлар сотади.

ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР, ШИФОХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲЛИ ДИҚҚАТИГА!



«Абу Али Ибн Сино ва «Абобат» фирмаси Сизларга турли хил касалликларни даволашда қўлланиладиган юздан ортиқ дори — дармонларни таклиф этади.

Агар Сизга ошқозон — яқ, тери — таносил, юрак, юрак қонтомирлеги, жигар, буйрак, астма ва асаб хасталикларини даволашда қўл келадиган дори — дармон зарур бўлса, бизга мурожаат қилинг!

Сиз бизнинг дўхоримиздан «Гермед» (Германия), «Стерлиг Хе» (Буюк Британия), «Аджанта фарма дитед» (Ҳиндистон), «Кирка» (Словения), «Бенгер Ингель Хайм» (Австрия), «ЦИЭХ По/фа» (Польша) каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори — дармонларни харид қилишингиз мумкин. Шунингдек, фирмамизда етиштирилган шифобахш гиёҳшарбатлар (фитобар), гиёҳлар ва ҳар хил дармонлардан даволанишда, юқумли вируслардан сақланишда катта ёрдам берадиган кўпгина малҳамларни ҳам энг арзон нархда олишингиз мумкин.

Шошилинг, Сизга зарур бўлган малҳамлар бизда бисёр. ҳам арзон, ҳам сифатли. Фирма сўнгуаги барча дори — дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотқ пу ўтказиш ёки нақд тўловларда адалга оширилади.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Собир Фаҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1а-уй. (Метрнинг Фафур Фулом бекати). Телефонлар: 44-21-34, 40-48-06, 40-44-83.



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҲРАБОЕВ.

БЎЛИМАР: Парламент 33-57-34; Халқаро 33-07-48; Қишлоқ ҳужаати 36-07-94; Иқтисодиёт 36-16-65; Маънавият 36-36-60; Аxbора 36-29-8; Туғи ҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Набатчи муҳаррир — И. Худобойов. Набатчи — Л. Кўчқорова.